

Эзгу ишлар бардавомлидир

Эрта тонг ҳавони очиқлиги, баҳорнинг харир ипакдай шабодаси юзларни силаб, инсонларни тоза иқлимдан баҳра олишларини истаётгандайди, гуё.

Шундай табиат неъматидан баҳра олиб, Ўзбекистон автомобиль ва транспорт агентлиги Наманган вилояти худудий бўлими ходимлари ҳам баҳорнинг илк кунлари бино атрофини, ариқ ва зовур четларидаги чиқиндиларни тозалаб, дараҳтларни оқлаб, ободонлаштириш кунини ўтказдилар.

Шундан сўнг элни дуосини олиш, кексаларни қадрлаш ҳаётининг асосий мақсадларидан бирига айланган Ўзбекистон автомобиль ва транспорт агентлиги Наманган вилояти худудий бўлими ходимлари бўлим бошлиғи Алишер Абдуходиев бошчилигига бир хайрли ишга қўл урдилар.

Автотранспорт соҳасида узоқ йиллар фаолият юритиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган 15 нафардан зиёд нафақадаги фахрий кексаларни бир дастурхон атрофида жамлаб, бир пиёла чой ташкил қилган ҳолда уларнинг қимматли маслаҳатлари ҳамда дуоларига сазовар бўлдилар.

Чунки, дуо билан эл кўкаради, деб бежиз айтилмаганидек, улардай пиру устозларнинг дуолари нақд.

- Иш фаолияти давомида бамаслаҳат иш бошлашни одат қилган Алишержон укамиз биздан дуо олар эканлар, уларнинг муваффақиятларга эришишларида омад ва зафарлар ёр бўлсин, - дейди меҳнат фахрийси Рахимжон Арсланов.

Ҳа, эзгу ишлар бардавомлидир, зеро унинг замиридан савоб ишлар ётади.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати